Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, РАЖАБ, 12-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ЖАДИЙ, 30-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган — 1992 ЙИЛ 17 ЯНВАРЬ, ЖУМА, 13-СОН • 264 • — НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 35 ТИЙИН.

Муносабат

БУГУН БОЗОРГА ЎХШАЙДИ...

Ниҳоят, бошланди. Нохуш, хоҳламай, истамай кутилган бўлса-да. Кўнгилсиз, оғир, қийин келса-да. Гап-сўзга, шовшувга, миш-мишга, тахминларга чек қўйилди. Ваҳимага ҳам. Бошга тушганни кўз кўради, деганларидек.

Энди бари аниқ: осмон баланд, ер қаттиқ. Эсимизни жойига қўямиз, инсофу диёнатга таянамиз, савобу увол-ниҳ, ҳалолу ҳаромнинг фарқига етамиз. Айтмоқчиманки, нонни чўчқага едирадиган, оёқ остига олиб эзғилайдиган, унинг бурдасига бўёқли лаб-лунжини, қошиғию бармоғини артиб ташлайдиган, моғорлатиб-саситиб қўядиганлар, ахлатга аралаштирадиганлар нафақат худонинг, ҳатто бандаларнинг ғазабига учрайдилар. Мою чарвини этик ёки маҳси қўнжисига тўйғазиб суркайдиганлар ўйлаб қарайдилар. Унни, буғдойни қўйи-эчкиси емишига аралаштирадиганлар ҳам. Ботмон-ботмон гуручни дамлаб ош берадиганлар ҳам. Шакарни қоплаб оладиганлар ҳам. Мева-чевани чиритадиганлар ҳам. Пиёладаги чойни шалоплатиб сепиб юборадиганлар ҳам. Тухумни лах ҳолга келгунча сақлайдиганлар ҳам. Суту қаймоқни ачитиб-бижғитиб нобуд этадиганлар ҳам. Кир ювишда совунни аямайдиган бекалару атирсовунни, упа-элични бисот қиладиган таннозлар ҳам. Газу чироқни тун бўйи ёқиб қўядиганлар ҳам. Газетаю қоғозни менсимай ғижимлаб-парчалаб отиб юборадиганлар ҳам. Кунига икки қути сигаретнинг тутунини кўкка совурадиганлару тишини уч карра тозалайдиганлар ҳам. Гугурт доналарини бешталаб чақиб ташлайдиганлар ҳам. Ресторанда ни қурган маишатбозни, арақхўрни-ку худо урганини ва бу жуда яхши бўлганини асти кўяверинг! Боласи бўлгаси кўйлакчаю иштончани улоқтириб ташлаганича янгисини кийдирадиган ойимтиллаларга қийин — боғини ювиб қуритишга мажбур, акс ҳолда силласи қуриган эридан, «баджаҳл» қайнонадан дашном эшитади. Ҳафта-ўн кунда туфлисининг тумшуғини айириб келадиган тўптепар болаларимизга ақл кириши тайин. Пиёда юришни ор ҳисоблаб таксига югурадиган дарҳол хаёлга ботади. Сувдек арзон ёнилғини аямай ишлатганича машинасини бўлар-бўлмасга елдирадиган бойваччаларга ҳам инсоф берар...

Нима бўлди ўзи! Очиғи — ношукурлик тутди. Уволга қолганимиз, гуноҳга ботганимиз, такасалтанглик, дангасалик, бел оғритмай ошаш, олғирлиги, порахўрлиги таъма жамият қонига сингиб кетганлигининг, худони худойберди демай қўйганлигимизнинг касри бу! Ва ҳоказо-ҳоказо қилмишу қидирмишларимиз оқибати булар!

Йўқ, нафақат. Социализмнинг «иқтисодий қонунлари тантачаси», тузумнинг инсон қадру қиймати, манфаатию нафсониятини топтагани, чўнтагига пул тушганнинг, эгни бут-бутунининг, қорни тўқнинг, уй-жой қурганнинг «бой», «ҳунсур», «душман» дея қораланиши, мулкнинг давлат тасаррафига тўла ўтиши, миллий бойликларнинг умумий қозонга тушганлиги ва фақат Москвага хизмат қилганлиги, яна қанчадан-қанча даҳшатли қусурлар, ташқи дунёдан ажралиб қолиш шу кўйи бадга солди бизни.

Буларни эслаш бефойда: рўй берди, содир бўлди — 16 январь келди!

...14 январь кечқурун ойнаи жаҳонга тикилмаган кимса қолмагандир. Президент Ислом Каримов ўрнидан оғир турриб, оёқлари остига тикилиб, вазмин қадам ташлаб Олий Кенгаш сессияси минбарига чиқди. Сездим: елкасида тоғ, юрагида сиқиқ-саничиқ, кўзларида ўйчанлик, қарашларида шафқату илтижо. «Ўйламангларки, Каримовни юксак лавозимга сайладигу я нарх-навони бу қадар оширди, деб...»

Унинг дилидан нелар кечганини ўзию тангриси билади. Олий Кенгаш раиси Шавкат Йўлдошев, ҳар бир депутат гарданига тегирмон тоши тушганини ёлғиз ўзлари сезишгани турган гап. «Нархларни эркинлаштириш чоралари тўғрисидаги қарорга имзо чеккан Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабековнинг туну кун ҳаловатсизлиги тайин. Аммо мен неларни ўйлаганимни дастурхон устига қўйишим, яъни рўзнома саҳифасида қисқача изҳор этишим мумкин.

Қор ҳамманинг бошига бирдек ёғди. Мабодо бизнинг уйимизга қимматчилик-қаҳатчилик, танглик-танқислик бостириб кирганича қўни-қўшнимиз жаннат ичра яшаганида бошқа йўриқ эди — кимнидир айблаш мумкин бўларди. Йўқ, искажага нафақат ўзбек, ўз навбатида тожик ва туркман ҳам, қозоқ ва қирғиз ҳам дуч келди. Донишликда ўзини танҳо дея ҳисобловчи Россия Президенти ҳокимлиги остидаги фуқаролар ҳоли не кечаётганини биласиз. Украина, Беларусь, Молдова кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган нарх-наво гирдобида. Болтиқбўйида демократиядан арзони йўқ, аммо озиқ-овқат, кийим-кечак, ёқилғи-ёнилғи — анқонинг уруғи. Озарбайжон биродаримиз йўғонни чўзиб, ингичкани узиб яшамоқда. Гуржистону Арманистоннинг кўргилигини ҳеч қайси мўминнинг бошига солмасин: қип-қизил дўзах!

Менинг шахсий фикримни сўрасалар, Ўзбекистонни жаннатга қиёслайман. Бироқ унинг бозори жаҳаннам: нархни суриштирсангиз ёнасиз, қуясиз. Зеро, Боғи Эрамда арзончилик деб ким айта олади! Аслида Ҳавзи Кавсарнинг қултум суви, ариқлар тўла оқаётган шаробу, шарбату сутнинг ҳўллами қанча туришини ким кўрибди, дейсиз! Барибир, не бўлса-да, бизнинг бозорларимиздаги фурушандаларга инсоф беришини тилайлик. Ахир, бир кило узумни 30 сўмга, нокни 40 сўмга, олмани 25 сўмга, турпу шолғомни 5 сўмга [буларнинг ҳаммаси 16 январгача!] сотиб олмоқни истаган беванинг, бечораниг, камбағалу йўқсилнинг шусиз ҳам куйган уйи буткул ёниб кулга айланади-ку! Бола-чақага едирмайин деса охиратига ўт тушадигандай сезади ўзини. Тўғри, чақалоқнинг чакмончаси учун ўнта ўн сўмликни санаб бериш деҳқонга [унинг хотини иложи борича ҳар йили чақалоқ қилади] мушкул, лекин барибир диёнат юзасидан нарх қўйилса савоб.

Игнадан тортиб туягача—жамики нарсанинг баҳоси чўпчиб осмонга чиқди. Купон деганимиз пулни қоғозга айлантириб қўйди. Биламиз, иложсизликдан, чорасизликдан, бошқа йўл қолмаганлигидан. Бозорга тайёр эмаслигимиздан. Мол-маҳсулот йўқлигидан. Супранинг таги қуриганидан. Не десангизда ҳозир нолишнинг, ўпка-гинанинг, бутун айбни раҳбарият устига тўнкашнинг ҳожати ҳам, фойдаси ҳам йўқ. Чекиниш бўлмайди. Арава ғилдираклари ғизиллаганича юриб кетди. Шундай экан, ҳаёт дея аталганимизни чидаганга чиқарган. Собиқ совет фуқаросини худо уриб, пайғамбар ҳассаси билан туртиб, шўрини қуритиб яратган экан, сабрни асо этиб, тирикчиликни ақлу идрок, қаноату тежам ила қимирлатсак, деган ўйдаман. Албатта, «бой бойга боқадиган, сув сойга оқадиган» замон келди. Пулдорни бозор ваҳимаси чўчитмайди, унинг ҳамёни нари турсин, қўйни-қўнжиси, сандиғию бордони тўлаверади, тошаверади. Бунақалар эл ғазабига, қонун чангалига шаксиз дуч келадилар, бироқ қашшоқнинг, якка ёлғизнинг, боқувчисизнинг, майиб-мажруҳнинг ғамини ейиш, фитри рўзаю, закоту, хайру эҳсону садақа чиқариш ҳам фарз, ҳам қарз. Республика Президенти, Олий Кенгаш, ҳукумат худди шу фикрда собит турибдилар. Нарх-навони поғонама-поғона, вақт ўтишига, хазинанинг ҳолига қараб пасайтира борйш йўли тутилмоқда. Булар қуруқ гап эмас, катта сиёсат, бозор сиёсати, иқтисодий-ижтимоий сиёсат эканлигига жуда-жуда ишонгим келади.

Мушкулот шароитида кўп ишкаллар ечими ўзимизга боғлиқ. Булар: пешонани қаттиқ танғиб ишлаш; интизомни маҳкам ушлаш; йиқилганни, қоқинганни суяш, бева-бечорага қайишиш; ўғрию муттаҳамнинг пайини қирқиш; еб тўймаснинг нафсини тийиш; кўзи очнинг кўзини очиш; қонунбузарни [айниқса қонун ҳимояси унга топшириб қўйилган бўлса] сазойи қилиш; ишбилармонга, ҳунармандга, саховатпешага кенг йўл бериш; хориж дарвозалари қулфларини тезроқ бузиб ташлаш; фисқу фужурга, гуруҳбозликка, сафсатабозликка чек қўйиш ва бошқалар, ва ҳоказолар.

...Бугун бозорга ўхшайдир, етимлар зор қақшайдир — Машраби девона давридан қолган ўксик мисраларни хотирларканман, ҳозир етим-есирларгагина эмас, ҳаммага — фуқарога ҳам, эл бошида турганларга ҳам оғир эканлигини қалбан сезаман. Бунақасига илк бор дуч келмаётганимизни, узоқни кўйиб турайлик-да, ота-оналаримиз 33-йилни, ўзимиз 41—45-йилларни, болаларимиз 60-йилларни — хрушчевча зиндаликни бошдан кечирганликларини биламан. Шу пайт илиқ-иссиқ илинж-ишонч туйғуси қалбим томирчаларида она сутидек югуради: бой, бадавлат, меҳнаткаш Ўзбекистон мустамлакачилик, қуллик зулму занжиридан қутилган экан, ўз йўлини албатта топади, рўйи заминнинг забардаст, фаровон мамлакатига айланади.

Демишларки, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, иншоолоҳ, ўн беши ёруғ келгай, тун тугагай, тонг отгай!

Аҳмаджон МУХТОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади**:

Мирсафоев Сирожиддин Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ўринбосари этиб тайинлансин, Донцов Владимир Васильевич республика ҳудудидан чиқиб кетиши муносабати билан мазкур вазифадан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади**:

1. Ўртоқ Казаков Николай Иванович ўз хоҳишига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси вазифасидан озод этилсин.

2. Ўртоқ Шумарин Николай Иванович Тошкент шаҳар судининг аъзоси вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади**:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари тасдиқлансин:

«Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасини Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат компаниясига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган фармони;

«Ўртоқ Ш. Н. Маҳмудовани Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган фармони;

«Ўртоқ У. А. Абдураззоқовни Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган фармони.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АНЖУМАН

Декабрь ойида республикамиздаги байналмилалчи жангчилар иттифоқининг навбатдан ташқари анжумани бўлиб ўтди. Бу ерда ҳам собиқ иттифоқ тасарруфидан чиқиш масаласи кўрилди.

Бу ташкилотнинг ҳам ҳаракату мақсадлари — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига, равнақига ҳисса қўшиш. Ўзгаришлар силсиласи давом этмоқда, буюк орзулар амалга ошмоқда. Қутлуғ ниятларга камарбаста бўлиш ҳар биримизнинг юрт олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

✦ Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев Олмаотада АҚШ давлат котибининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари Р. Фаувер билан учрашиб, узоқ суҳбатлашди. Президентнинг матбуот хизматидан маълум қилишларича, мулоқот чоғида Қозоғистонга техникавий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга доир аниқ масалалар қараб чиқилган. Р. Фаувер ўзи билан бир қанча ҳужжатларнинг лойиҳаларини ҳам олиб келганди. Қозоғистон раҳбарияти уларни ўрганиб, тегишли баҳо бергандан кейин битимлар тузиш мумкин бўлади.

✦ **Москва ишбилармонлар конвенцияси Россия Федерациясининг Президенти ва Олий Кенгашига мурожаатнома йўллади. Унда айтилишича, Москва ҳукумати «ҳеч уялмайнетмай шаҳар мулкини хорижийларга сотиш ҳамда ижарага бериш дастурини эълон қилиб, уни амалга ошира бошлади. Бу билан порахўрлик, қонунсизлик авж олиши учун мисли кўрилмаган шароит яратиб берилмоқдаки, ҳатто чет эллик инвесторларнинг ўзлари ҳам ҳайратда қолмоқдалар».**

✦ Германия маъмурлари Тюрингияда Каҳрабо хонани қидиришни тўхтатди. Подшоҳ оиласининг 155 миллион доллар билан баҳоланадиган ноёб хазинаси 1945 йилда немис нацистлари томонидан СССР ҳудудидан олиб кетилган, кейинчалик изи йўқолган эди. Каҳрабо хона қаерда жойлашгани ҳақида бир қанча тахминлар бор, аммо кўп йиллардан буён олиб борилаётган қидирувлар ҳеч қандай натижа бергани йўқ.

✦ **Тожикистон Республикаси миллий банкига олтининг 81 килограммдан иборат дастлабки туркуми топширилди. Уни «Таджикзолото» ишлаб чиқариш бирлашмаси қазиб олди. Илгари қимматбаҳо хом ашё Россиядаги аниқ қотишмалар заводларидан бирида қиймига етказиб тайёрланар, ундан кейин эса собиқ СССРнинг давлат хазинасига тушарди. Мустақиллик эълон қилингач, Тожикистон ўз ҳудудида қазиб олинаётган барча олтининг эгаси бўлди.**

✦ Рейтер ахборот бошқармаси Исломободдан хабар қилишича, Афғонистон, Республикасининг Президенти Нажибулло подшоҳ оиласининг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш тўғрисидаги 1978 йилги фармонни бекор қилди. Қобул раҳбарияти фуқаролар уруши азобини тортаётган мамлакатдаги миллий яраш жараёнига далда бериш мақсадида шу тадбирни кўрди. Кўпгина афғонлар 1973 йилда тахтдан ағдарилган собиқ подшоҳ — Зоҳиршоҳ бўлажак ҳукуматга бошчилик қилишини хоҳлайдилар. Ўтган йил сентябрь ойида Нажибулло Зоҳиршоҳнинг ҳамда подшога қарашли 19 оиланинг фуқаролигини тиклаган эди. Афғонистон Президенти жиноят мажмуасининг 88-моддасига мувофиқ бериладиган жазони ҳам юмшатди, деб хабар қилди ахборот бошқармаси. Уша моддада ўлимга ҳукм қилиш кўзда тутилган. Бундан буён Афғонистонда фақат қотиллик ва хоинлик учунгина олий жазо қўлланилади.

✦ **Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг фармойишига биноан барча ўқув юртларининг аспирантлари, талаба ва ўқувчиларига январь ойи учун муддатидан аввал оширилган стипендия тўланди. Республикада стипендияларнинг янги миқдорлари белгиланди. Олий ўқув юртларининг талабалари учун энг кам стипендия 315, энг кўпи эса 473 сўм бўлади. Туркманистон Президенти ҳузуридаги Талабалар кенгаши қишлоқ хўжалиги кооперативи билан шартнома тузди. Бу кооператив Ашхобод ўқув юртларининг талабаларини давлат нархидан анча арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаб туради.**

✦ Олтойда Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ўлка жамғармаси тузилмоқда. Унинг учун маблағни мулкни хусусийлаштиришдан олинадиган даромадларнинг бир қисми, ўлкада ҳар бир хизмат машинасига беш минг сўм миқдорида маҳаллий солиқ жорий этилишидан тушадиган пул ҳисобидан олишга қарор қилинди. Шунингдек турли хилдаги кимошди савдолари, кўнгилли равишда қилинган хайри-эҳсонлар ва пул-буюм лотереялари ўтказишдан тушган маблағнинг бир қисми ҳам мазкур жамғармага ўтказилади.

✦ **Оммага ошкор қилинган прейскурантга кўра бундан буён энг арзон автомобиль «Ока» бўлади. У 80 минг 410 сўм туради. ВАЗ-2108 ва 2109 моделлари нархи тегишли равишда 138 минг 21 сўм ва 186 минг 138 сўм қилиб белгиланди. Агар 99-моделдаги автомобилни сотиб олишни хоҳловчилар топилса, 237 минг 866 сўм миқдорида пул жамғаришларига тўғри келади.**

✦ «Правда» газетаси «1991 йилнинг машҳур кишисини»ни аниқлади ҳамда уларнинг рўйхати ва суратларини эълон қилди. Биринчи учликка Борис Ельцин, Михаил Горбачев ва Нурсултон Назарбоев кирдилар. Кейинги ажойиб еттиликни эса Александр Невзоров, Сергей Бабурин, Владимир Жириновский, Леонид Кравчук, Светлана Горячева, Виктор Алкснис ва Нина Андреева ташкил этишди.

✦ **Яқинда Финляндияда чиқадиган «Хельсингин саномат» газетаси ёзишича, Россияда «Финляндия — водка от Финланд» деб номланган сохта ёрлиқ ёпиштирилган шишаларда арақ сотадиган дўконлар жуда кўп. Жумладан бундай арақ Москва, Санкт-Петербург ва Виборг томонларда кўпроқ тижорат савдосида учрайди.**

✦ Мазут ёнилғисининг етишмаётганлиги сабабли февраль ойининг бошида Таллинндаги ана шундай суюқлик билан ишлайдиган барча қозонхоналар тўхтаб қолиши мумкин. Эстония аҳолисининг учдан бир қисми яшаб турган шаҳар корхоналари ва муассасалари фаолияти фалаж ҳолга келиб қолиши аниқ. Ушанда Таллинн аҳолисини бошқа жойга кўчириш муқаррар бўлиб қолади.

(Ахборот агентликлари ва хориж рўзномалари материалларидан асосида тайёрланди).

СУРАТДА Сиз Ангрендаги «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси илғор ишчиси Турдиниса Акрамовани кўриб турибсиз. У унумли ва сифатли меҳнати билан корхона жамоаси ҳурматини қозонган.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат. (ЎзТАГ).

Долзарб мавзуда

КУПОН ЧИПҚОН ЭМАС

Аслида иқтисодни сиёсат билан аралаштириш ярамайди. Таассуфки, бозор, пул, нарх машмашаси ва ташвиши ҳаммани сиёсатдону, иқтисодчию молиячига айлантириб қўйди. Купоннинг чиқиши ҳамда жорий этилиши калаванинг учини гўё чигаллаштириб юборди.

Купон нималигини билдик: бизга тегишли мол-маҳсулот кармонини ақчага қаппайтириб четдан пиёдаю уловда келадиган «оға»лар чамадонига тушмайди. Уймоқ ё бўёқдан тортиб туя билан биягача — купонли савдо. Гапга пул олмайдиган ва ҳақ тўламайдиган аския ишқивозлари «Сўмнинг хотини — купон» дея ҳазиллашадиган бўлдилар.

Кулгили, лекин тўғри. Аммо кулдиган чоғимиз ҳам, кайфиятимиз ҳам йўқ. Купон дард устига чипқонга айланаётган ҳолатлар кун сайин кўпаймоқда. Кўримсиз, рангсиз, туссиз бу қоғоз амалда нақадар зарур эканлигига қарамасдан, айрим ҳолларда ғалвага, сарсонгарчиликка, асаббозликка олиб келаяпти.

Биринчиси. Купон ҳақидаги қонун-қоидаю низомни одамлар яхши билишмайди. Чунки радио жим, ойнаи жаҳон жим, рўзномалар деярли жим. Буни англаган айрим савдо ходимлари купонсиз сотиладиган нарсаларга, масалан, арақка ҳам купон талаб қилмоқдалар, бу билан харидорлар норозилигига сабаб бўлмоқдалар.

Иккинчиси. Бир купонни икки, ҳатто уч-беш сўмга сотиб олаётган махфия (яъни мафия) куртак отмоқдаки, унинг пайи қирқилмаса, Ўзбекистон купони худди Америка доллари сингари сўмига ўн, юз ҳиссага алмаштирилиши мумкин.

Учинчиси. Купон фақат маош оладиганларга бериладими ёки қалам ҳақи (гонорар), мукофот ва сўмда шакланган бошқа даромад манбаи соҳибларига ҳам тегадими? Буни оммавий ахборот воситаларида тезроқ тушунтириб англатиб бериш зарур.

Тўртинчидан, қуйидаги мулоҳаза ечиш шарт. Айтайлик, сиз ойига 1.000 сўм маош оласиз. Унга 800 купон беришади. Шу ҳисобдан рўзғор тебратасиз. Хўш, мабодо сиз уй қураётган, аввал тўплаган маблағингиз ҳисобига ҳар кубига 800 сўмдан тўлаб 10 куб ёғоч харид қиладиган бўлсангиз, 8.000 купонни қаердан топиб берасиз? Қиз чиқарадиган одам гарнитурга 100.000 купонни, ўғил уйлантирадиган киши гилам сотиб олишга 20.000 купонни қаердан топади? Чек топширсангиз — бўлди. Жовлик пул кўчириш йўли ҳам бор. Хўш, буни билиб-билмасликка солиб турмисмисан? Сизни ким ҳимоя этади? Яна тушунмовчилик... Автомашинага эҳтиёт қисмни ҳам «Автоваз»дан купонсиз ундиролмайсиз, дейлик. Бунинг чораси қанақа?

Бешинчи ишкал. Тошкентнинг Олой, Самарқанднинг Сиёб бозорларида ҳатто мева-чевага купон сўраётган фурушандалар учрай бошлашди. Бунисига нима дейсиз? Бир ҳисобда жони бор: бир қоп сабзининг килосини 5 сўмдан 500 сўмга пуллаган деҳқоннинг бу сўмлари магазинда купонсиз ўтмаса ўйлаб қолади-да бояқиш. Аммо қондада бунақаси йўқ, демак, тартиб бузилмоқда. Буни ким изга солади?

Олтинчиси. Майиб-мажруҳ, дардман-бемор, туролмайдиганларга купонларни етказиб берувчилар тайинланса, бу хайрли ишни маҳаллий ҳокимият гарданига олса соз бўларди.

Хуллас, муаммодан кўпи йўқ. Ҳаёт эса оқар дарё. Купон, пул, маош, нафақа, таъминот, умуман бозор дафъи савдосини йўлга қўйиш билан ҳамма шуғулланиши, тинмай ташвиқот, тарғибот, тушунтириш олиб бормоғи зарур.

Шубҳасизки, «Халқ сўзи» ҳам. У сиз учун маслаҳатчи, ёрдамчи, мушкулкушод. Шу ниятда биз куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси умумий иқтисодиёт бўлимининг мудири Шуҳрат Ғафуров, Иқтисодиёт комитети меҳнат ва ижтимоий ҳимоя бўлимининг бошлиғи Оқил Обидов, Савдо вазирлиги ташкилий бошқармасининг бошлиғи Пўлат Мақсудовни таҳририятга таклиф этдик. Улар журналист Иқром Утбосаров билан бирга купон, нарх-наво, савдо-сотиқ масалалари бўйича ихчам мақола-маслаҳатлар тайёрлаб, рўзномада бериб борадилар.

Хатлар, саволлар кутамиз сизлардан.

ЖАВОБ ТАШРИФИ

АФҒОНИСТОН билан қўшничилик алоқалари тобора барқарорлашмоқда. Бир неча кун муқаддам ўзбекистонлик номозҳонлар Мозори Шарифдаги бош мачит — «Раззаи муборак»да жумъа намозини ўқиб қайтишган эди. Яқинда афғонистонлик бир гуруҳ ўзбеклар Сурхондарё вилоятига жавоб ташрифи билан келишди. Гуруҳга генерал Абдуғаффор полвон раҳбарлик қилди. Афғонистонлик биродарларимиз Термиз шаҳрида жумъа намозини ўқиб, Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилдилар.

Термиз ва Ленин йўли районларида бўлган учрашувлар қизғин ўтди. Мулоқот чоғида «Гулшан» ашула ва мусиқа дастаси (Сарипул вилояти) ажойиб томошалар кўрсатди. Ана шундай бордию келдилар яна давом эттириладиган бўлди.

Р. ТОЖИДДИН.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

«ЕР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 20 июнда қабул қилган «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ведомостлари, 1990 йил, 16—18-сонлар, 294-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг ер муносабатлари ушбу қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади».

2. 2-модданинг 2-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерга эгалик қилишни Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши амалга оширади, у ушбу қонунга мувофиқ ер муносабатларини тартибга солишга доир бошқа ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига ва халқ депутатлари вилоят советларининг ижроия комитетларига ваколат беради».

3. 4, 5, 6, 7, 8 ва 9-моддалар қуйидаги таҳрирда ёзилсин:

«4-модда. **Халқ депутатлари қишлоқ, поселкаларнинг ва шаҳарларнинг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар халқ депутатлари қишлоқ Советларининг ихтиёрида бўлади:

1) шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун бериладиган ер участкалари каттакичиклигининг меъёрларини тасдиқлаш;

2) қишлоқларнинг ҳудудидаги ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза этишни назорат қилиш.

Халқ депутатлари қишлоқ Советлари ўз ихтиёрларига берилган ер муносабатларини тартибга солишга доир ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ва ҳал этишга ҳақлидир.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар халқ депутатлари шаҳар ва посёлка советларининг ихтиёрида бўлади.

Халқ депутатлари шаҳар ва посёлка советлари ўз ихтиёрларига берилган ер муносабатларини тартибга солишга доир ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ва ҳал этишга ҳақлидир.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар халқ депутатлари ер участкаларини ажратиш ва ер участкаларини олиш ҳуқуқини берилган ер участкаларини ва ер участкаларини олиш ҳуқуқини тасдиқлаш, ер участкаларини ва ер участкаларини олиш ҳуқуқини бекор қилиш, ер участкаларини ва ер участкаларини олиш ҳуқуқини ер участкаларини ва ер участкаларини олиш ҳуқуқини ер участкаларини ва ер участкаларини олиш ҳуқуқини

● НАМАНГАН мусаллас заводида ароқнинг янги «Шалола» нави чиқарилаётганини илгари хабар қилган эдик. Бу ичимлик узум спиртидан тайёрланиб, вилоятда унинг ҳом ашё захираси етарли. Аммо ҳосилотни солиш учун идиш етишмайди. Корхона ишбилармонлари бу муаммо ечимини ҳам топишди. Жумладан, ҳозир мусаллас уч литрлик шиша идишларга қуйилмоқда.

СУРАТДА: ичимликни идишларга қуйиш цехининг ишчиси Дилбар Бойчиева.

А. КОВТУН олган сурат.

Иқтисодиёт янгиликлари

ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ва Хоразм вилоятларида электр тармоқлари тизимида рўй берган авария оқибатлари тугатилди. Бу ерда электр қуввати билан барқарор таъминлаш тиклашди.

Чироқ ўчишларга ўрватилган одамлар қаттиқ ҳаяжонда. Шаҳарларда авария бўлганда, Нукус электр узатиш линияларида узилишлар рўй берди, кичик станциялар шикастланди. Энергетиклар ғайрат билан ишладилар. Электр энергиясиз жуда қисқа муддат ичида касалхоналар ва новвойхоналар, сув таъминоти иншоотлари, саноат корхоналарига берилди. Тўртқўл — Нукус электр узатиш линияси ишга тушгандан-кўп узилишлар бўлганлиги сабабли бир қанча районларнинг аҳолиси чироқсиз, энергиясиз қолди. Авария рўй берган ерларда иш олиб борилаётган вақтда Беруний ва Тўрткўл орқали Тўзмўйни гидроэлектростанциясидан истеъмолчиларга энергия берилди.

Тўрткўл, Эллиққалъа, Беруний районларининг энергетиклари авариянга барҳам беришда неча кунлаб тер тўкишди. 1-«Узсельэлектрострой» трестининг 16- ва 6-кўчма механизациялашган колоннаси мутахассислари дастлабки замонларда, ишга киришиб магистрал линиясида кўп-кўп ишлаб чиқариш фаолияти кенгайиб, ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиб бораётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва ассортименти ошиб бораётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобидан ишчиларнинг ҳаёт даражасини ошириш имкониятлари кенгайиб бораётган, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинида ишчиларнинг ижтимоий фаоллиги ош

БУ КУННИНГ ШЕЪРИ

НАТИЖО

Кўзим эшикда доим,
Келармиканман оним!
Аки умидим эмас
Шу ер бўлдими жойим!
Эшик-ми, ётса агар
Югурамай шу захот,
Етим бўлиб ётсам ман,
Онам келмаса нажот!..
Етим сўзи кўтариш
Эх, бу қандайин оғир!
Онам ўйламас мени,
Отам ундан тошбағир.
Кўзимдан тушган ёшлар
Ўтиб йили қанчалик,
Онамсан, бу қалбимнинг
Кўз-қиблаи-ёшлари...
Эшик қат, бу ердан кет,
Онажон, тезроқ менга.
Чидолмайман бошқа кеч,
Найлай, сочилдим қани.
Олиб кет, эй, онажон,
Адир ўғлингманикиу деб,
Нега бунча ёлғонсан
Қарамайсан менга сен!..
Найлайин мен, олдимда
Келмади охир ойим...
Бошқаларга инсоф бер,
Эй, ишончли худойим!..

АЗИЗБЕК

Тошкентдаги махсус наҳия санъат мактабининг 8-синф ўқувчиси.

Ўзбекистон радиосининг «Болалар тоғлари» эшитиришуи саҳифасидан нашр этилди.

ОЛТИН СОВРИН

Ку КАШИНИ ҳамкасбларга доим қуш, ишчи, ўқувчи, ўқитувчи, ишхонада, Ўзбекистон Компартия Марказий Комитетида ишлаган, совринга тақдим этилган, совринга ва шу лавозимда ишлаган, ишлаётган ва ишлаётганлар ва ишлаганлар ва ишлаганлар ва ишла